

РАҲИМЖОНОВ Дурбек Обиджонович,
Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси
Исломишунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиш ICESCO кафедраси доценти,
тарих фанлари номзоди

АБУ ҲАФС НАСАФИЙНИНГ “КИТОБ АЛ-ҚАНД” АСАРИДА МИЛЛИЙ ВА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ АКС ЭТИШИ

ОТРАЖЕНИЕ НАЦИОНАЛЬНЫХ И РЕЛИГИОЗНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В ТРУДЕ АБУ ХАФСА НАСАФИ «КИТАБ АЛ-КАНД»

REFLECTION OF NATIONAL AND RELIGIOUS VALUES IN “KITAB AL-QAND” BY ABU HAFS NASAFI

Аннотация. Абу Ҳафс Насафий ўзининг “Китобу-л-қанд” асарида VIII-XII асрларда долзарб бўлган Марказий Осиё минтақаси халқлари миллий ва диний қадриятларини ўзида акс эттирган қўлаб ҳадисларни келтиради. Бу ҳадисларнинг таҳлили бу минтақага ислом динининг илк бора кириб келган вақтда ўлкада ривоят қилинган ҳадислар илоҳиёт, тасаввуф, фикҳ ва миллий ва диний қадриятлар масалаларига тегишли бўлганини кўриши мумкин.

Калим сўзлар: ҳадис, Мовароуннаҳр, миллий ва диний қадриятлар, ислом дини, тасаввуф, фикҳ, илоҳиёт.

Аннотация. Абу Ҳафс Насафи в своём труде “Китабу-ль-қанд” приводит множество хадисов, отражающих национальные и религиозные ценности народов региона Центральной Азии, которые были актуальны в VIII-XII веках. Анализ этих хадисов показывает, что хадисы, передаваемые в период первого проникновения ислама в регионе, были связаны с вопросами теологии, суфизма, юриспруденции, а также национально-религиозных ценностей.

Ключевые слова: хадис, Мавараннахр, национальные и религиозные ценности, исламская религия, суфизм, фикх, теология.

Annotation. Abu Hafs Nasafi in his work “Kitab al-qand”, cites numerous hadiths reflecting the national and religious values of the peoples of the Central Asian region, which were relevant in the 8th-12th centuries. An analysis of these hadiths reveals that the hadiths transmitted during the initial period of Islam’s

introduction to the region were related to issues of theology, Sufism, jurisprudence, and national and religious values.

Keywords: hadith, Mawarannahr, national and religious values, Islamic religion, Sufism, fiqh, theology.

КИРИШ

Абу Ҳафс Насафийнинг “Китобу-л-қанд” асарида Марказий Осиё халқлари миллий ва диний қадриятларини ўзида акс эттирган ҳадисларни ривоят қилган. Бу ҳадислар турли ислом илмлари соҳалари калом, тасаввуф, усулу-л-фикҳ ва миллий ва диний қадриятлар масалаларига тегишли эди. Хусусан, қадриятларни ўз ичига олган тасаввуф ғоялари суфий олимлар томонидан илгари сурилди.

Тасаввуфга асос бўлган таркидунёчилик кайфиятлари деярли ислом билан бир даврда юзага келди. Суфийликнинг илк намоёндалари деб Пайғамбарнинг Абуд Дардо, Абу Зарр, Ҳузайфа (вафотлари VII асрнинг иккинчи ярми) каби саҳобалари ҳисобланади. Аммо исломдаги мистик-аскетик оқимнинг шаклланиши VIII асрнинг ўрталари IX асрнинг бошларига тегишли [3:165-166]. Бу даврда суфийлар қаторига муҳаддислар, қорилар, қуссослар, Византия билан чегара урушларида қатнашган жангчилар, қосиблар, тижоратчилар, шу жумладан исломни қабул қилган христианлар кирганлар. Бу даврда “суфий” ёки “аттасаввуф” истилоҳлари ҳали кенг тарқалмаган эди: унинг ўрнига “зуҳд” (таркидунёчилик) ёки “зоҳид”, обид сўзлари ишлатилар эди. Исломдаги бу мистикаскетик оқимнинг пайдо бўлиши ва тараққий этишига мусулмон жамиятидаги биринчи икки аср давомидаги сиёсий-ижтимоий беқарорлик, диний ҳаётнинг мураккаблиги, унинг натижасида келиб чиққан маънавийғоявий изланиш ва бошқа динларнинг, хусусан христианликнинг таъсирини кўрсатиш мумкин.

АСОСИЙ ҚИСМ

Абу Ҳафс Насафий асарида қарромийлар таълимотининг асосчиси Муҳаммад ибн Қарром (в. 869 й.) Самарқандда ҳадис айтгани ҳақидаги хабарни ҳам ўз асарида келтирган. Муҳаммад ибн Қарром ўзининг шоғирди Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Сижзийнинг хонақоҳида ўз таълимотидан дарс берган. Ибн Қарром таркидунёчилик, тақводорлик ва

илмга чакирувчи ҳадисларни ривоят қилгани боисунинг номи Абу Ҳафс Насафийнинг китобига кириб қолган. Унинг ҳадисларини Абу Саъд Идрисий Фадл ибн Мақтуя Самарқандий, Бакр ибн Фадл Тохаристоний орқали нақл қилган [2: 186-187, 540, 512].

Илк давр суфийларининг, аниқроғи зоҳид ва обидларининг ўзига хос хусусиятларидан – Қуръони карим оятлари устида чуқур фикр юритиш, Қуръон ва Пайғамбар суннатларига қатъий амал қилиш, кечаларини зикру сано, тафаккур ва нафл ибодатлар билан бедор ўтказиш, кундузлари рўза тутиш, ҳаёт лаззатларидан воз кечиш, гуноҳдан сақланиш, ҳоким ва ҳарбийлардан ўзини узоқроқ олиб юриш, ҳалол ва ҳаром орасини жуда узоқ тутиш (вара‘), ўзини Аллоҳ ихтиёрига топшириш (таваккул) ва ҳоказоларни таъкидлаш мумкин. Жумладан, факр, ризо, сабр хусусиятлари уларга хос эди.

Суфийликка оид ривоятларда муътазилийлардаги мавҳум илоҳиётга оид фикрлар, обрўли шахсларга кўркўрона тақлид қилиш, муқаддас матнларга сўзмасўз итоат этишдан фарқли ўлароқ, инсонга асосий объект сифатида қарайди. Инсоннинг амалларини бошқарадиган руҳониятининг майда қирраларини ҳам чуқур таҳлил қилиш, шахсий кечинмаларга эътибор билан қараш ва диний ҳақиқатларни чуқур ҳис қилиш уларга хос хусусиятлардан эди.

Абу Саҳл Касир ибн Зиёд Бурсоний (VII-VIII асрлар) илк тасаввуф намояндаларидан бири Ҳасан Басрийнинг (642-728) Самарқанддаги шогирдларидан бўлган. Бу аллома шаҳарда суфийлик руҳидаги ҳадисларнинг тарқалишида, нафақат Самарқандда, балки бутун Мовароуннаҳрда соф инсоний хислатларни улуғланишида, умуман маънавиятнинг юксалишида ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди. Ундан Самарқанд ҳадис мактабининг илк намояндаларидан бўлган Абу Муқотил Самарқандий (ваф. 823 й.) ва Муҳаммад ибн Фадл ибн Атиялар (VIII-IX асрлар) ҳадис ривоят қилганлар.

Абу Саҳл Ҳасан Басрийдан қуйидаги ҳадисни ривоят қилади:

“Пайғамбар (с.а.в.) Абдурраҳмон ибн Самрага шундай дедилар: “Эй Абдурраҳмон амирликни талаб қилиб олмагин, агар сен амирликни сўраб олсанг, сен унга қарам бўлиб қоласан, агар сен амирликни сўрамай у сенга берилса, сенга ёрдам берилади. Агар бир

ишга қасам ичсанг-у бошқа ундан яхшироқ ишни топсанг, қасамингни бузиб, яхшироғини қилгин” [2: 186-187, 540, 512].

Балхлик машҳур зоҳид Шақиқ ибн Иброҳим Балхий Самарқандга кирганида унга Абу Аҳмад Зоҳид юзланиб деди:

Мен Абу Муқотилга ўттиз уч йилдан бери шогирдлик қиламан, аммо мен ундан истаган нарсамни ололмадим.

Сен ундан нимани истаган эдинг?

Мен Аллоҳ билан ёлғиз қолишни, Аллоҳ эса мен билан ёлғиз қолишини истайман.

Бу уч нарасададир: ризқдан кўнгил тўқ бўлиши, озлик (озга қаноат қилиш), кўпни (мол кўпайтиришни) ёмон кўриш.

Шақиқ ибн Иброҳим Балхий шундай деган эди:

Бир киши икки юз йил яшаса-ю қуйидаги тўрт нарсадан беҳабар бўлса, унинг жойи жаҳаннамдан бошқа нарса эмас:

Биринчиси: Аллоҳни таниш (ма‘рифат-туллох);

Иккинчиси: ўзини таниш;

Учинчиси: Аллоҳнинг ишини таниш;

Тўртинчиси: Аллоҳнинг ва ўзининг душманларини таниш.

Шақиқ ибн Иброҳим Пайғамбар (с.а.в.) дан ушбу ҳадисни ривоят қилади: “Ҳар қандай олимнинг ҳам олдида ўтирманг, агар у беш нарсадан беш нарсага чақирмаса: жаҳолатдан билимга, орзу-ҳавасдан тақвога, шак-шубҳадан ҳақиқий имонга, кибрдан камтарликка ва дангасаликдан ибодатга” [2:120-122].

Машҳур тасаввуф намояндаси Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазийнинг шогирди Халаф ибн Айюбдан ҳадис ривоят қилган Соҳиб ибн Салм Балхий Самарқандга кирганида ушбу ҳадисни айтган: “Албатта амаллар ниятга қараб. Ҳар бир киши ниятига етгусидур. Кимнинг ҳижрати Аллоҳ ва унинг Расули учун бўлса, у Аллоҳ ва Расули учун ҳижрат қилибди. Агар унинг ҳижрати бир аёл учун бўлса, унга уйланади, ёки дунё учун бўлса, унга эришади. Бас ҳар кишининг ҳижрати кўзлаган нарсаси учундир” [2:143-144].

Илк давр тасаввуф аҳли учун шу нарса хос эдики, улар умр бўйи зоҳидликда таркидунёчиликда яшаган бўлсалар-да, ўзларига зоҳид ёки суфий номи берилишини истамас эдилар [3:166]. Бу эса илк давр суфийларининг ниҳоятда камтар ва тақводор бўлганликларидан дарак беради. Абу Ҳафс Насафий ўзининг

“Китоб ал-қанд” асарида суфийлар ҳақида ёзар экан, уларга бўлган ҳурмат ва ихлосини яна бир бор намоён этади. Насафий Бу асарда зоҳидларнинг тақво ва илмнинг фойдалари, мол-дунёга берилишнинг зарарлари ҳақидаги ривоят қилган ҳадисларидан кўра кўпроқ уларнинг ҳаётдан олган тажрибаларидан келиб чиқиб айтган ҳикматли гапларини келтиради.

Самарқандда илк даврда муомалада бўлган ҳадисларда тасаввуф масалалари асосий ўринлардан бирини эгаллаган. Ушбу минтақадан чиққан кўпгина муҳаддис ва фақиҳлар суфийлик йўлини тутган эдилар. Хусусан, Самъоний ўзининг “Китоб ал-ансоб” асарида 60 га яқин Марказий Осиёда яшаб, фаолият олиб борган суфийларнинг номларини зикр этган [3:166].

Самарқандда илк даврда ривоят қилинган ҳадисларда яна алоҳида таъкидланадиган жиҳат – бу одоб-ахлоқ, оғир-вазминлик, ҳатто ёмонликка ҳам яхшилик билан жавоб қайтариш каби хислатларга даъват этишдир. Самарқандга кириб у ерда ҳадис ривоят қилган, ўзининг айтишича беш юз саҳобани кўрган тобеин Абу Амр Омир ибн Шароҳил Шаъбий Куфий саҳоба Абу Амрдан ушбу ҳадисни ривоят қилади: “Мусулмон шундай кишики, мусулмонлар унинг тилидан ва қўлидан озор топмаса” [2:459-461].

Шаъбий ўзи ривоят қилган ҳадисга амал қилиш бўйича ўрнатган эди. Ривоят қилишларича, бу олим илми қанчалик кучли бўлсада, ҳеч ким билан тортишмас эди. Суфён ибн Уяйна айтадики, олимлар учтадир: Ибн Аббос ўз замонасида, Шаъбий ўз замонасида, Суфён Саврий ўз замонасида. Бир куни бир киши Шаъбийни ҳақорат қила бошлади. Шаъбий эса унга ҳеч қандай жавоб қайтармади. У киши жим бўлгач, Шаъбий сўради:

Тугатдингми?

Ҳа.

Шундан сўнг Шаъбий деди:

Агар гапирганларинг ёлғон бўлса, Аллоҳ сенинг гуноҳингни кечирсин, агар рост айтган бўлсанг, Аллоҳ менинг гуноҳимни кечирсин [2:459-461].

Келтирилган мисоллардан маълум бўладики, Самарқандда илк исломнинг кириб келиши даврида амалда бўлган ҳадисларнинг асосий қисми суфиёна вазминлик ва одоб-ахлоққа чорловчи, бир сўз билан айтганда “жаҳолатга қарши маърифат билан” курашишга

чакирувчи ҳадислар эди. Самарқандда ҳадис илми тараққиётининг бу даврини исломнинг илк – Макка давридаги ҳолатига таққослаш мумкин-ки, ўша даврда нозил бўлган оятлар асосан мусулмонларни имонга, мусулмон кишига хос бўлган ахлоқ-одобга даъват этган оятлар эди. Аммо кейинги – Мадина даврида, мусулмон жамоаси вужудга келганидан кейин эса бу жамоани тартибга солиш учун ислом аҳкомларини баён этувчи оятлар нозил бўлди.

Мазкур даврда айtilган ҳадислар ҳам айнан ана шу – ҳукмларни баён қилувчи – фикҳий мавзуга тегишли бўлди. Самарқандда ҳам кейинги – ислом дини нисбатан барқарор ўрнашганидан кейинги даврда ривоят қилинган ҳадислар асосан фикҳга тегишли бўлди. Аммо шу билан бирга кейинги даврда яратилган ҳадис тўпламларида ҳам тасаввуф ва ахлоқ масалалари эътибордан четда қолмади, балки янада ривожлантирилди.

VII аср охири-VIII аср бошларида ислом оламида ҳадисларга бўлган талаб кучайиб кетган бўлса, IX асрга келиб бу соҳада анча ишлар амалга ошириб бўлинган эди. Эндиги муҳаддисларнинг асосий вазифалари – йиғилган ҳадисларни саҳиҳ ва заиф гуруҳларга ажратиш уларни саралаш бўлиб қолди. Чунки ислом дини қанчалик кенг тарқалиши билан унда ечилиши лозим бўлган муаммолар шунчалик кўпайиб борар эди. Қуръондан янги исломга кирган халқларнинг ҳаётига оид муаммоларни ечиш учун жавоб топиш ҳар доим ҳам мумкин бўлмасди. Бундай пайтда ҳадислар асосий ўринга чиқар эди. Қуръонга ўзгартириш киритиш мумкин эмасди. Ҳадисларнинг эса девон шаклига келтирилган ягона нусхаси ҳам, уларнинг тўқилган ёки саҳиҳ эканлигини текшириб турувчи марказлашган назорат органи ҳам бўлмаганлиги учун ҳадис тўқиш оммавий тус олди.

Ҳадис тўқишдан турли мақсадлар кўзда тутилар эди. Кимдир ўз ғоя ва манфаатларини кўзлаб бу ишга қўл урса, бошқалар диннинг жамиятдаги ролини ошириш учун, одамларни инсофга чақириш учун шундай қиларди. Тўқима ҳадисларни яратиш ҳам турлича бўларди. Баъзида халқ мақоллари, ҳикматли сўзларга ҳадис туси берилса, баъзан мавжуд ҳадисга бир сўзни қўшиш, тушириб қолдириш ёки уни сезилмас даражада ўзгартириб, унинг маъносини бутунлай бошқа тарафга буриб юбориларди.

Мовароуннахрга илк исломнинг кириб келиш даврида муомалада бўлган ҳадисларнинг асосий мавзуси суфиёна камтарлик, такво ва таркидунёчилик бўлган бўлса, бу минтақада ислом дини нисбатан мустаҳкам ўрнашганидан кейин эса уламо ва муҳаддисларнинг эътиборлари кўпроқ “ибодот” ва “муомалот” масалаларига қаратилди. Масалан, Абу Ҳафс Насафий ўз асарида шу даврнинг буюк муҳаддисларидан бўлган Абу Муҳаммад Доримий Самарқандийнинг таржимаи ҳолини келтирар экан мисол тариқасида бу муҳаддис Анас ибн Молик ривоят қилган бир ҳадисни келтиради: “Расулulloҳ қачон сафарга чиқадиган бўлсалар, аввал бамдод намозини ўқир, ундан сўнг эса уловларини етаклаганча оҳиста юриб кетардилар” [2:174].

Самарқандда ҳадис илмининг тараққий этишида фақиҳларнинг роли катта бўлди. Абу Ҳафс Насафий ўз асарида ўнлаб фақиҳларнинг номларини келтириб, улар ривоят қилган ҳадислардан намуналар келтиради. Жумладан, Солиҳ ибн Аби Солиҳ Фақиҳ Музаққир Самарқандий (IX аср) фикҳга оид ушбу ҳадисни ривоят қилади: “Расулulloҳ бир қозон ёнидан ўтаётиб, ундан озгина таом олиб едиларда, таҳорат қилмай намоз ўқидилар” [2:132-133]. Ушбу ҳадис фикҳий масалага бағишланган.

Яна бир самарқандлик фақиҳ Бакр ибн Муҳаммад Фақиҳ Самарқандий имон масаласида қуйидаги ҳадисни ривоят қилади: “Имон қалбда собит бўлади – кўпаймайди ҳам, камаймайди ҳам. Унинг кўпайиб-камайиши қуфрдир” [2:132-133].

Абу Саъд Самъоний ўзининг “Китоб ал-ансоб” асарида Марказий Осиёда турли даврларда яшаб фаолият олиб борган 370 фақиҳнинг номини келтиради. Улардан кўпчилиги бир вақтнинг ўзида машҳур муҳаддис ҳам бўлганлар. Аммо улардан 350 тага яқин фақиҳ фикҳ бўйича ўзларидан кейин бирор асар қолдирмаганлар. Улар асосан тарбиячилик ёки маъмурий фаолият олиб борганлар [3:155-160].

Фақиҳлар бу даврда асосан ҳанафийлик мазҳабини ривожлантириб, турли фирқа ва мазҳабларга қарши курашдилар. Ана шундай кўзга кўринган фикҳ ва ҳадис илмларининг йирик намояндаларидан бири, Абу Мансур Мотуридийнинг замондоши – Абул Қосим Ишхоқ ибн Муҳаммад Ҳаким Самарқандийдир (в. 953 й.). У фақиҳ ва муҳаддис бўлиш билан бирга уста воиз ва Самарқанднинг қозиси

эди. Мадрасада дарс бериб, бошқа уламолар қаторида талабаларни ўз таъсирига тортаётган муътазилийларга қарши кураш олиб борди. 932 йиллар атрофида амир Наср ибн Аҳмад топшириғига биноан тўғри йўлни кўрсатиб берувчи ақида илмига оид қўлланма яратди. Самъоний унинг уч устози ва уч шогирдини зикр этади. Абул Қосим Чокардиза қабристонида дафн этилган бўлиб, Абу Саъд бир неча бор унинг қабрини зиёрат қилган [2:157].

Абу Мансур Мотуридий ва Ҳаким Самарқандийларнинг “илм ал-ҳикма” ва “илм ал-ҳақиқа” фанлари бўйича устози, Самарқанд яқинидаги Рустуфағн қишлоғидан чиққан Абул Ҳасан Али ибн Саид ар-Рустуфағний (в. 961 й.) ҳам машҳур муҳаддис бўлиши билан бирга фикҳ бўйича 3 та асар ёзган ҳанафий мазҳабининг фақиҳларидан бири эди. У шу билан бирга тил соҳасида ҳам чуқур билимга эга эди [4:157].

Самарқандда исломнинг илк даврида ривоят қилинган ҳадисларнинг асосий мавзуси бўлган тасаввуф Х асрга келиб ҳам эътибордан четда қолмади. Балки бу мавзу янада долзарброк бўлиб, муҳаддисларнинг ҳаёт тарзига чуқурроқ сингиб борди. Бу даврда Самарқандлик муҳаддислар асосан фикҳга оид ҳадисларни ривоят қилган бўлсалар-да, ўзларининг тақволари билан мусулмон оламининг маркази бўлмиш Макка ва Мадинада ҳам шухрат қозондилар. Ана шундай муҳаддислардан бири – Абул Ҳасан Али ибн Ҳукайм ибн Зоҳир Саъдий¹ Самарқандийдир (в. 850 й.). У “зоҳид” ва “обид”лардан бўлиб, ибодатга ғайратлилиги, йиғлаб ибодат қилиши билан унинг номи Ҳижозда машҳур эди.

Абул Ҳасан Маккада 20 йилча яшади. У кенг дунёқарашли бўлиб, ҳадис, фикҳ соҳаларида илғор фозил кишилардан эди. Ваки ибн Жарроҳ, Суфён ибн Уяйна каби Ҳижоз ва Ироқ ҳадис мактаби намояндаларидан ҳадислар ривоят қилди. Ундан Мусо ибн Нуайм, Абу Яъқуб Аббор, Фатҳ ибн Убайд каби Самарқандлик муҳаддислар ҳадис ривоят қилдилар. Абул Ҳасан Сомонийлар ҳузурида катта обрўга эга эди. У Самарқандда вафот этди ва унга аввал унинг дўстлари сўнг Наср ибн Аҳмад ас-Сомоний жаноза ўқиди. Чунки Наср ўша вақтда душманга қарши жанг қилишга кетган эди. Шундан сўнг Абул Ҳасанни Чокардиза қабристонида дафн этдилар. У фикҳга оид ушбу

¹ Ас-Сугдий бўлиши ҳам мумкин.

хадисни ривоят этади: “Расулуллоҳ намозга киришишда такбир айтиб, икки қўллари то кулоқларига теккунича кўтарардилар” [2:366-367].

Бу даврда Хуросон, Ҳижоз, Ирок, Миср хадис марказларига Мовароуннаҳрнинг, хусусан Самарқанднинг таъсири кучли бўлди. Шу даврда Самарқандда заиф хадислар кўпайди ва уламолар улардан саҳиҳларини ажратиш учун жидду жаҳд билан киришдилар.

Самарқандда хадис илмининг ривожланиши, унинг маънавий ҳаётнинг барча соҳаларига кириб боришида у ерда бу илм бўйича фаолият олиб борган марказ ва тўғарақларнинг аҳамияти катта. Бундай марказлар кўпинча мадраса, масжид ва ёки бирор бир муҳаддиснинг уйида юзага келарди. Ана шундай хадис марказларидан бири бўлган мадраса – “Шоҳ-и зинда” мақбараси ёнида қурилган Қусам ибн Аббос мадрасаси эди.

Абул Маолий Масъуд ибн Ҳасан Кушоний (в. 1145-46 й.) ўз даврининг фозил, имомларидан бўлиб, муҳаддислар оиласининг бошлиқларидан эди. Абу Саъд Самъоний унинг хулқи жуда чиройли бўлганлигини, Самарқандда бир қанча вақт хатиблик лавозимида ишлаганлигини ва шу билан бир вақтда Қусам мадрасасида хадис айтиб, имло қилдириб, дарс берганлигини таъкидлайди. Ундан кўплаб мовароуннаҳрлик муҳаддислар хадис ривоят қилганлар. У вафот этганда Қусам ибн Аббос мақбараси ёнидаги қабристонга дафн этилган [5:73].

Ундан дарс олган ўғли Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Масъуд Кушоний (в. 1157 й.) кейинчалик Бухоро қозиси лавозимида ишлади, бироқ у ҳақда кишилар яхши сўз айтмадилар. Аммо унинг қўлида дарс олган биродарининг ўғли Абул Ҳасан Али ибн Мавжуд ибн Ҳасан Кушоний (1087-1162) фозил, имом, воиз, ростгўй, илмий мунозараларга чанқоқ киши бўлиб, Марвдаги “Ҳокония” мадрасасида дарс берган. Самъоний у билан шахсан Марвда, Бухорода ва Самарқандда учрашган бўлиб, улар орасида самимий дўстлик бор эди [2:74].

Абу Саъд Абдурраҳмон ибн Муҳаммад Идрисий Астрободий Самарқандий (в. 1015 й.) ўзининг “Китоб алкамоли фи ма’рифати аррижол мин ‘уламо’ Самарқанд” китобини XI асрнинг бошларида ёзиб тугатди.

Умуман олганда, IX-X асрларда Самарқанд маънавий ҳаётида хадислар асосий ўринни эгаллай бошлади. Бу даврда Мовароуннаҳр

мусулмон оламининг марказларидан бирига айланди. Ривоят қилинган хадислар ҳам турли мавзуларда эди: фикҳ, тасаввуф, эътиқод, ахлоқ ва ҳ.к. Фикҳ бўйича ҳанафий мазҳаби Мовароуннаҳрда, жумладан Самарқандда ҳам энг асосий ўринлардан бирини эгаллади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Абу Ҳафс Насафийнинг “Китоб ал-қанд” асарида миллий ва диний қадриятлар хадислар ва тасаввуфий ғоялар орқали акс этган. Мовароуннаҳр уламолари ўзларининг миллий ва диний қадриятларга хос бўлган одоб-ахлоқ, ҳалоллик, бағрикенгликка оид фикрларини ўзларининг илмий-маънавий меросларида мужассам қилиб берганлар. Ушбу асарларни илмий асосда ўрганиш ёшларимизни юксак маънавиятли каттага ҳурмат, кичикка иззат, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

ФЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Ан-Насафий. ал-Қанд фи зикр уламо Самарқанд / Юсуф ал-Ҳоди таҳрири остида. – Техрон: Ойина-йи мирос, 1999. – 877 б.
2. Абу Ҳафс ‘Умар ибн Муҳаммад Ан-Насафий. ал-Қанд фи зикр уламо Самарқанд / Назар Муҳаммад ал-Форйобий таҳрири остида. – Саудия Арабистони: Мактабат ал-Кавсар, 1991. – 622 б.
3. Камалиддинов Ш.С. «Китаб ал-ансаб» Абу Саъда Абдалкарима ибн Муҳаммада ас-Сам‘ани как источник по истории и истории культуры Средней Азии. – Т.: Фан, 1993. – 184 б.
4. Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Сам‘оний. ал-Ансоб: – Т. III / Абдуллоҳ ‘Умар ал-Борудий таҳрири остида. – Байрут: Дор ал-фикр, 1998.
5. Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Сам‘оний. ал-Ансоб: – Т. V / Абдуллоҳ ‘Умар ал-Борудий таҳрири остида. – Байрут: Дор ал-фикр, 1998.
6. Абу Жаъфар ат-Табари. «История» ат-Табари. Избранные отрывки / Перевод с араб. В.И. Беляева. Дополнения к переводу О.Г. Большакова и А.Б. Халидова. – Т.: Фан, 1987. – 441 б.